

А Ж Р И М

(Ярашилганлиги муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2024 йил апрель ойининг 4 куни, жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар суди “Умид” МФЙ биносида, очик суд мажлисида, судья Т.Абдуллаевнинг раислигида, суд мажлиси баённомасини юритувчи, судья ёрдамчиси Р.Ибрагимов, тарафлардан Чирчиқ шаҳар прокурори ёрдамчиси Ш.Ибрагимова, судланувчи А.Усманов ва унинг адвокати А.Юсупов, жабрланувчи О.Ахмедованинг иштирокида, Усманов Асан Махмадияровичга нисбатан 1-1116-2402/96-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Усманов Асан Махмадиярович (USMANOV ASAN MAHAMADIYAROVICH)-1989 йил 4 январда Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳрида туғилган, миллати қozoқ, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, ўрта-махсус, ёлланма ишчи, оилали, 2 нафар фарзанди бор, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Азадбош қишлоғи, Қozoғистон кўчаси, 12-уйдада истиқомат қилади, томонларнинг ярашгани муносабати билан жиноят ишини тугатиш ҳақидаги қарор нусхасини ўз вақтида олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир қилганликда гумон қилинган.

Суд, жиноят ишини кўриб чиқиб, гумонланувчи ва жабрланувчининг ярашганликлари тўғрисидаги аризаларини муҳокама қилиб, тарафларнинг фикрини тинглаб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Иш ҳужжатларига кўра, **Усманов Асан Махмадиярович** 2024 йил 22 февраль куни тахминан соат 15:00 ларда, ҳайдовчи Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Азадбош ҚФЙ, Қozoғистон кўчаси, 12-уйда яшовчи, 1989 йилда туғилган, Усманов Асан Махмадиярович бошқарувидаги “Дамас” русумли давлат рақам белгиси 10 С 153 ВВ бўлган автомашинасини Чирчиқ шаҳар, А.Навоий кўчаси ҳудудидан ўтувчи Тошкент-Чимён 4Р6 автомобил йўлининг Чимён йўналиши бўйлаб, “Оптом Маркет” номли озиқ-овқат дўкони рўпарасидан ўтувчи қисми бўйлаб Чирчиқ шаҳар Марказий бозори томонга бошқариб бораётиб, ҳаракат йўналиши бўйича йўлнинг ўнг



томонидан чап томонига кесиб ўтаётган пиёда 1991 йилда туғилган, Ахмедова Одинахон Илхом қизини автомашинанинг олд қисми билан уриб юбориб, йўл транспорт ҳодисаси содир этган.

Натижада пиёда О.Ахмедова тан жароҳатлари олиб, Чирчиқ шаҳар тез тиббий ёрдам бўлимига мурожаат қилган.

Суд-тиббий экспертизанинг 2024 йил 9 мартдаги № 148-Х. сонли хулосасига кўра, О.И.Ахмедованинг танасида – ўнг қўл 1-бармоқ асосий фалангаси очик парчаланиб синиб силжиши, чап елка соҳасида қонталаш, чап қўл билак соҳасида, ўнг елка ўрта учлиги соҳасида шилинмалар кўринишидаги тан жароҳатлар мавжудлиги, ушбу тан жароҳатлар оғирлик даражаси бўйича соғлиқни узоқ 21 кундан ортиқ аммо 4 ойдан кўп бўлмаган муддатга бузилишига олиб келган белгисига кўра, ўртача оғирликдаги тан жароҳатлар тоифасига кириши аниқланган.

Суд автотехника экспертизасининг 2024 йил 7 мартдаги № 137-сонли хулосасига кўра, қайд этилган шароитда ҳайдовчининг ҳаракатлари “Йўл-ҳаракати қоидалари”нинг 77-банди 3-қисми талабларига зид бўлиб, бунга кўра, ҳаракатланишда, ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятидаги хавф юзага келса, у транспорт воситасининг тезлигини тўла тўхтатишни таъминлайдиган даражада камайтириш чораларини кўриши кераклиги, ҳайдовчи “Йўл-ҳаракати қоидалари” нинг 77-банди 3-қисми талабларига риоя қилиб ҳаракатланганида пиёдани уриб юборишнинг олдини олиш техник имкониятига эга бўлганлиги” аниқланган.

Суд, жабрланувчи О.Ахмедовани ярашув ҳақидаги аризасини муҳокама қилиб, тарафларнинг аризани қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, иш материалларини таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра, жиноят ишини ярашганлиги муносабати билан тугатишни лозим топди.

Жиноят кодексининг 66¹-моддасида, ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар ўз айбига иқроор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, жинойий жавобгарликдан озод этилиши мумкинлиги, ушбу модданинг 2-қисмида эса, оғир ва ўта оғир турдаги жиноятни содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлик ҳолати олиб ташланмаган шахслар ярашганлик муносабати билан жинойий жавобгарликдан озод этилмаслиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг

84-моддаси 4-қисмига кўра, жабрланувчи ЖКнинг 66¹-



моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи билан ярашган тақдирда жиноят иши ушбу Кодекснинг 62-бобида белгиланган тартибда суд томонидан айблилик масласи ҳал қилмасдан тугатилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленумининг
2002 йил

25 октябрдаги “Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 27-сонли қарорининг 1-бандида, ярашув институти жинойий жавобгарликдан озод қилиш тури сифатида шахснинг айбдорлик масаласи ҳал этмай туриб, жиноят ишини тугатишга асос бўлишлиги, 2-бандида, ярашув шаклдаги аризалар ҳар доим ёзма шаклда тақдим этилиб, унда жиноят оқибатидаги зарар бартараф этилганлиги (ёки жабрланувчининг зарардан воз кечганлиги) ва ярашув тўғрисидаги илтимос кўрсатилган бўлишлиги лозимлиги, ярашув тўғрисида иш юритиш масаласи қўзғатиш ҳуқуқи қонунга белгиланган тартибда жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) деб топилган шахс ёки унинг қонуний вакили эга эканлиги, 3-бандида, ярашув тўғрисидаги ариза суриштирув ва терговнинг исталган босқичида, яъни шахс гумон қилинувчи ва айбланувчи тариқасида ишда иштирок этилган пайтдан бошлаб, суд мажлисида эса жиноят ишини кўриб чиқаётган биринчи инстанция суди маслаҳатхонага (алоҳида хона)га киргунга қадар берилиши мумкинлиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд, қайд этиб ўтилган қонун талабларига Пленум қарори билан берилган тушунтиришларга риоя этиб, судланувчи А.Усманов муқаддам судланмаганлиги, ўз айбига иқрорлик билдирганлиги, жабрланувчи О.Ахмедова билан ихтиёрий равишда ярашганлиги, содир қилинган жиноятнинг оқибатларини англаб, етказилган зарарни тўлиқ бартараф этганлиги, жабрланувчи ва судланувчига тазйиқ бўлганлиги ҳолати аниқланмаганлиги ҳамда судланувчи ҳам, жабрланувчи ҳам ярашувга розилик билдирганлигини инобатга олиб, жиноят ишини судланувчининг айблилик масаласи ҳал қилмасдан тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатишни ва уни жавобгарликдан озод қилишни лозим деб топди.

Юқоридагиларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддаси ҳамда ЖПКнинг 84, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:



Усманов Асан Махмадиярович (USMANOV ASAN MAHAMADIYAROVICH)ни Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан айбланиш ҳақидаги жиноят иши тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига асосан тугатилсин ва у жавобгарликдан озод қилинсин.

Жабрланувчи О.Ахмедовага мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқлари йўқолганлиги тушунтирилсин.

Ажрим устидан ўн сутка ичида шу суд орқали Тошкент вилоят судига хусусий шикоят берилиши ёки протест билдирилиши мумкин.

Раислик қилувчи:
Т.Абдуллаев

Маъсум судья: Абдуллаев Тўлқин Бектемирович

